
СЕКЦИЯ № 3. ЮРИДИЧЕСКИЕ НАУКИ

КОНТРАБАНДА УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИККА ОИД МИЛЛИЙ ЖИНОЯТ ҚОНУНИ НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ахмад Марсович Зуфаров

*Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси
zam.soiskatel@gmail.com*

Аннотация. Мақолада контрабанда учун жиноий жавобгарликка оид миллий жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш масаласи таҳлил қилинган, хусусан, контрабанданинг предмети, объектив томони ҳамда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларига оид қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: контрабанда, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, божхона қонунчилиги, божхона назорати, божхона чегараси, божхона чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, предмет, объектив томон, оғирлаштирувчи ҳолатлар.

ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО УГОЛОВНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ОТНОШЕНИИ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА КОНТРАБАНДУ

Ахмад Марсович Зуфаров

*самостоятельный соискатель Ташкентского государственного
юридического университета
zam.soiskatel@gmail.com*

Аннотация. В статье анализируется вопрос совершенствования норм отечественного уголовного законодательства об уголовной ответственности за контрабанду, в частности выдвигаются конкретные предложения по совершенствованию норм закона относительно предмета, объективной стороны контрабанды и отягчающих обстоятельств.

Ключевые слова: контрабанда, нарушение таможенного законодательства, таможенное законодательство, таможенный контроль, таможенная граница, незаконное пересечение таможенной границы, предмет, объективная сторона, отягчающие обстоятельства.

PROSPECTS FOR IMPROVEMENT OF NATIONAL CRIMINAL LEGISLATION IN REGARD TO CRIMINAL LIABILITY FOR SMUGGLING

Akhmad Marsovich Zufarov

*Independent researcher, Tashkent State University of law
zam.soiskatel@gmail.com*

Annotation. *The article analyzes the issue of improving the norms of domestic criminal legislation on criminal liability for smuggling, in particular, specific proposals are made to improve the norms of the law regarding the subject, the objective side of smuggling, and aggravating circumstances. liability circumstances.*

Keywords: *smuggling, violation of customs legislation, customs legislation, customs control, customs border, illegal crossing of the customs border, object, objective side, aggravating circumstances.*

Контрабанда учун жиноий жавобгарликка оид миллий жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш жиноят ҳуқуқи соҳасидаги илмий тадқиқотлар олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада илмий адабиётларни, хорижий мамлакатлар тажрибасини, суд-тергов амалиётини ўрганиш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг контрабанда учун жавобгарлик белгиланган нормаларини такомиллаштириш юзасидан айрим хулосаларга келиш имконини бермоқда.

Авваламбор, **контрабанда предмети** масаласига тўхталиб ўтиш зарур бўлиб, ЖК 246-моддаси фуқаролик муомаласи тақиқланган (чекланган) барча предметларни ҳам назарда тутмайди. Фикримизча, ҳозирги глобаллашув, жиноятчиликнинг янгидан янги шакллари тобора кўпайиб бораётган шароитда қуйидаги предметларни ҳам қўшимча равишда контрабанда предмети сифатида ЖК 246-моддасида алоҳида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ:

– ҳарбий техника (ЖК 246-моддасида фақатгина қурол-яроғ ёки шундай мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган предметлар назарда тутилган, ваҳоланки, ҳарбий техника, шу жумладан, ноошкора ахборот олишнинг махсус воситаларининг фуқаролик муомаласига ноқонуний кириб келиши ҳам жамоат хавфсизлиги ёки тартиби, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг нормал фаолияти учун жиддий хавф солиши, бошқа ўта оғир жиноятларни, масалан, терроризм, қўпоровчилик кабиларни содир этишни сезиларли даражада осонлаштириши мумкин);

– психотроп моддаларнинг аналоглари, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг прекурсорлари (ЖК 246-моддасида фақатгина гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар назарда тутилган);

– газли, пневматик, сигнал берувчи қурол (ЖК 246-моддасида фақатгина қурол-яроғ, ўқотар қурол, ўқ-дорилар ёки ўқотар қуролнинг асосий қисмлари назарда тутилган, бироқ, “Қурол тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, асосий тушунчалар ушбу Қонун талабларига мослаштирилмаган);

– оммавий қирғин қуролларини ташиш воситалари ҳамда оммавий қирғин қуролларини яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган қурилма, технология, илмий-техник ахборот ёки интеллектуал фаолият натижалари (ЖК 246-моддасининг иккинчи қисмида фақатгина оммавий қирғин қуролини яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламалар назарда тутилган, аксарият давлатларда оммавий қирғин қуролларини ташиш воситалари ҳам контрабанда предмети сифатида назарда тутилган, чунки улар ўта хавфли бўлганлиги сабабли махсус қурилмаларда ташилади, уларнинг контрабандасига қарши курашиш оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишга хизмат қилади);

– радиоактив материаллар ЖК 246-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган бўлиб, улар ўртасида асосий фарқ, иккинчи қисмида оммавий қирғин қуролини яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган радиоактив материаллар назарда тутилган, бироқ ушбу фактни исботлаш мураккаблиги туфайли суд-тергов амалиётида исботлаш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради, шунга кўра, радиоактив материаллар контрабандасини тўлақонли ЖК 246-моддасининг иккинчи қисмига ўтказиш мақсадга мувофиқ;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун мўлжалланган ускуналар.

Кейинги масала, контрабанданинг объектив томонини ташкил қилувчи элемент – жиноятни **содир этиш усули** ҳисобланади. Жиноят таркибининг ушбу элементини қиёсий таҳлили ҳам бу борада қонунчиликни такомиллаштириш борасида муайян эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 246-моддасида божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, контрабанда предмети Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш назарда тутилган.

Бироқ, сўнги йилларда жаҳон миқёсида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши ўз навбатида контрабандани содир этишнинг янгича шакл ва кўринишлари вужудга келишига ҳам туртки бўлди. Хусусан, юқоридаги параграфларда қилинган таҳлиллар ҳам охириги вақтларда Ўзбекистонга чет эл давлатидан тақиқланган буюмларни (контрабанда предмети) бошқа муомаласи тақиқланмаган буюмлар ниқоби остида Интернет дўконлар орқали буюртма қилиб, почта орқали олишга уриниш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бунда шахснинг ҳаракатлари жиноят бажарувчиси сифатида малакаланишида юридик жиҳатдан турли муаммоли ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида Интернет орқали контрабанда предметини буюртма қилишни ҳам жиноятни содир этиш усули сифатида ЖК 246-моддасининг биринчи қисмига кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона ҳужжатлари, воситалари ёки декларацияда нотўғри, ҳақиқий бўлмаган, сохта ёки ёлғон маълумотларни кўрсатишни ҳам контрабандани содир этиш усули сифатида кўрсатиш лозим (ЖК 246-моддасида божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиш назарда тутилган).

Юқоридаги параграфларда амалга оширилган таҳлиллар контрабанда жиноятини **оғирлаштирувчи ҳолатлари** бўйича ЖК 246-моддасини халқаро тажриба билан таққослаганда анча орқада қолганлигини кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, объектив томондан ЖК 246-моддаси билан бир хил бўлган ЖК 182-моддасида ҳам оғирлаштирувчи ҳолатлар доираси бир мунча кенгроқ қилиб белгиланган. Хусусан, ЖК 182-моддаси божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очиқдан-очиқ ўтказиш йўли билан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб ёхуд хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этиш назарда тутилган.

Шунингдек, хорижий мамлакатлар тажрибасидан, шунингдек, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига таъсир этишидан келиб чиқиб, ЖК 246-моддасида контрабанда жиноятининг оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида қўшимча равишда қуйидагиларни ҳам назарда тутиш таклиф этилади:

а) *иккинчи қисм сифатида*: чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона ёки чегара хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очиқдан-очиқ ўтказиш йўли билан; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан

тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ томонидан ёхуд унинг манфаатларини кўзлаб; хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда; гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддаларнинг ўта хавфли турларига нисбатан;

б) *учинчи қисм сифатида*: жиноий уюшма томонидан; гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва прекурсорларини жуда кўп миқдорда контрабанда қилиш.

Яна бир масала кейинги йилларда жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда **камёб ва йўқолиб бораётган биологик ресурсларнинг контрабандаси** учун жиноий жавобгарликни кучайтириш борасида кўп сонли тадқиқотлар эълон қилинмоқда[1].

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида, масалан, Россия Федерацияси ЖК 226¹-моддасида ҳам биологик ресурслар контрабандаси муомаласи чекланган ёки тақиқланган предметлар контрабандаси билан бир хилда тақиқланган.

Юқоридагиларни, шунингдек, табиий ресурсларни алоҳида муҳофаза остига олиш зарурати тобора долзарблашиб бораётганлигини инобатга олиб, контрабанда предмети доирасига **камёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг контрабандаси** учун алоҳида жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳуқуқшунос олимлар томонидан билдирилган таклифларни инобатга олиб, бу борадаги махсус моддани ЖКнинг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар” деб номланган XIV бобида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, ушбу бобни 193¹-модда (**“Камёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ёки ҳайвонот дунёси объектлари контрабандаси”**) билан тўлдириб, унда “Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза остига олинган камёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик ёки ҳайвонот дунёси объектлари ҳамда уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларини божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш” учун жиноий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, ҳар бир халқнинг, миллатнинг тарихий бойлигини, миллий ўзлигини акс эттирувчи маданий қимматликлар ҳам аксарият хорижий мамлакатларда алоҳида жиноят-ҳуқуқий муҳофаза остига олинган. Шундан келиб чиқиб, қолаверса, уларнинг контрабандасининг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқорилигини ҳисобга олиб, ушбу объектларнинг контрабандаси билан боғлиқ ҳаракатлар учун ЖК 182-моддасида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритиш мақсадга мувофиқ.

Шу мақсадда ЖК 182-моддасининг иккинчи қисмини **“маданий мерос объектларига нисбатан”** деган алоҳида банд билан тўлдириш таклиф этилади.

Юқоридагилар асосида ЎЗР ЖК 246-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“246-модда. Контрабанда

Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, **божхона ҳужжатлари, воситалари ёки декларацияда нотўғри, ҳақиқий бўлмаган, сохта ёки ёлғон маълумотларни кўрсатиб, кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар, газли, пневматик, сигнал берувчи қуролни, ўқ-дориларни ёки ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, ҳарбий техникани, шунингдек гиёвандлик воситалари, психотроп моддаларни, уларнинг аналоглари ёки прекурсорларини, препаратларини, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни тайёрлашда фойдаланилиши мумкин бўлган материал, мослама ва ускуналар, таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган ўсимликлар** ёхуд диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш **ёки уларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали буюртма қилиш** –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Контрабанда:

а) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса,

д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

е) гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддаларнинг ўта хавфли турларига нисбатан;

ж) гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ёки прекурслорини кўп миқдорда контрабанда қилиш –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Контрабанда:

а) ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турлари, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал, мослама, қурилма, технология, илмий-техник ахборот ёки интеллектуал фаолият натижалари, оммавий қирғин қуролларини ташиш воситаларига, шунингдек, радиоактив материалларга нисбатан;

б) жиноий уюшма томонидан;

в) гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ёки прекурсорини жуда кўп миқдорда контрабанда қилиш –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гусаренко Д.М. Криминализация посягательств на особо ценные виды диких животных: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Хабаровск, 2020. – С. 101–102.; Вавилов С.П. Контрабанда и ее виды в соответствии с законодательством РФ // Проблемы экономики и юридической практики. – 2015. – №5. – С. 133–134.; Петрова Т.М. Уголовная ответственность за контрабанду особо охраняемых диких животных и растений: проблемы квалификации и законодательной регламентации // Правопорядок: история, теория, практика. – 2021. – №3(30). – С. 69–70.; Устинова Т.Д., Рубцова А.С. Развитие и состояние уголовного законодательства об ответственности за контрабанду стратегически важных товаров и ресурсов // Lex russica. – 2021. – Т.74. – №11. – С. 86.